Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 5 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 85 (6981)

Da'vat

Маъқул гапирсанг, ҳеч қачон кўп гапирмайсан.

Ж. РЕНЬЯР.

Ibrat

Ғузор тумани Камолиддин Беҳзод номидаги мактабда жундан кигиз босиш йўлга қўйилди. Бундан бир неча йил аввало эса, бу ерда ип йигириб гилам тўқиш йўлга қўйилганди. Тушган фойда асосан ўқув жиҳозларига сарфланмоқда.

E'tibor

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

Ўтаётган йил таълим тизимида ўзига хос кўтарилиш даври бўлди, десак муболаға бўлмас. Жумладан, республикамиздан жаҳон фан олимпиадаларида қатнашган ўқувчиларимизнинг қўлга киритган муваффақиятлари ҳам спортчиларимиз йиғаётган олтинлардан қолишмайди. Йил давомида республикамиз ўқувчилари Туркия, Голландия, Грузия, Туркманистон, Польша ва бошқа давлатларда ўтказилган ўқувчиларнинг аниқ фанлар бўйича жаҳон олимпиадасида қатнашиб ўнта олтин, тўртта кумуш, ўн еттита бронза медалларини қўлга киритишди. Уларнинг орасида Нукус шаҳридаги Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги лицейи талабаси Алишер Санатуллаевнинг ўз ўрни бор. У физика фанининг уч — назарий, амалий, умумий йўналишлари бўйича учта олтин медалга сазовор бўлди.

Куни кеча Тошкентдаги республика Таълим марказида барча медал соҳибларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаларини топшириш маросими бўлди.

Уни халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Совғаларни Президент номидан Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев топширар экан, ўқувчиларимизнинг бу муваффақиятлари катта ютуқ эканлиги, уларнинг мустақил Ўзбекистонни дунёга танитишга қўшган ўзига хос ҳиссалари эканлигини таъкидлади. Ўқувчиларга ва уларнинг устозлари, ота-оналарига Президент номидан ташаккур билдирди. Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар, айниқса иқтидорли ёшларимиз қўлида эканлиги ва бунинг учун улар келгусида ҳам илм ўрганишда, изланишда бўлишларини тилади.

Етти нафар олтин медал соҳибларига энг янги русумдаги компьютерлар, қолган совриндорларга магнитофон ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди. Йиғилиш тугагач, ўқувчилар бир-бирларини қучоқлашиб, табриклашга тушдилар. Бунинг боиси эса Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев барча совриндорларни ўз фани йўналишлари бўйича олий ўқув юртларининг талабалари бўлишганини эълон қилганида эди. Бу Президентнинг ёшларга ИШОНЧИ эканлиги ва бу ИШОНЧнинг масъулияти катталигини ҳис қилиш лозимлигини у алоҳида таъкидлади.

Маросимда олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов, «Камолот» ва «Маҳалла» жамғармалари раҳбарлари иштирок этишди.

МУХБИРИМИЗ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини рўёбга чиқаришга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

юридик ўқув юртларининг моддий-техника ва молия базасини мустаҳкамлаш, юридик адабиёт нашр этишга давлат мададини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: аҳолининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, адвокатлар бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларини, шунингдек юристларнинг маслаҳат бериш ва маърифат ишлари билан шуғулланувчи турли жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар мувофиқлаштирилишини таъминласин;

юристларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштирсин;

қонун ҳужжатларини фуқароларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, судлар, адлия органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ўз вақтида етказсин;

аҳолига адвокатлик ва нотариал хизмати кўрсатишни, айниқса қишлоқ жойларда кенгайтириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

мактабгача тарбия муассасалари, умумий ўрта мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида ва олий ўқув юртларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия бўйича ўқув дастурлари ҳамда услубий тавсияномалар ишлаб чиқилишини таъминласинлар;

таълим муассасаларида адлия, прокуратура, ички ишлар органлари ходимлари, бошқа мутахассислар иштирокида ўқув машғулотлари ўтказилишини ташкил этсинлар;

юридик фанларни тестлар ва давлат имтиҳонлари тизимига киритиш масаласини кўриб чиқсинлар;

педагоглар ва тарбиячиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун таъсирчан чоралар кўрсинлар;

юридик ўқув юртларига чет элдаги ўқув марказлари, таниқли ҳуқуқшунос олимлар билан алоқа боғлашда ёрдам берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси:

илмий, илмий-оммабоп ва юридик маълумотнома адабиётлар нашр этишни кўпайтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда юридик адабиёт нашр этиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва чоп этилаётган адабиётларнинг сифатини ошириш мақсадида олимлар, амалиётчилар ва мутахассислар иштирокида таҳририятноширлик ишлари кенгаши тузсин.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

қабул қилаётган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мос бўлишини таъминласинлар;

муҳим қарорларни аҳолининг кенг қатламлари муҳокамасига ҳавола этсинлар;

ҳуқуқий таълимни ва ҳуқуқий тарбияни турли ижтимоий гуруҳларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этсинлар, бу иш тегишли тартибда вилоят, шаҳар ва туманларда мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

7. Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларини тушунтиришга ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган эшиттиришлар ва мақолалар сифатини оширсин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига – ҳуқуқий тарбия ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотларни рағбатлантириш;

судларга – одил судлов маданиятини ва унинг тарбиявий ролини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ишларни жамоатчиликни жалб қилган ҳолда кўришни кўпроқ амалиётга киритиш;

жамоат бирлашмаларига, шу жумладан жамғармалар, иттифоқлар ва уюшмаларга, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига — ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига ҳуқуқий ёрдам олишда кўмаклашиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

(Миллий дастур матни 2-саҳифада эълон қилинмоқда).

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ давлат котибининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестановични қабул қилди.**

- **Шу кунларда давлатга пахта топшириш йиллик режасини уддалаган Қашқадарё ва Самарқанд вилояти меҳнаткашларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов миннатдорчилик ва самимий тилаклар битилган табрикномасини йўллади.**

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ғафуржон Қодирович Тишаев Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари бош бошқармаси бошлиғи — қўмондони этиб тайинланди.**

- **Тошкент метрополитени қурилишида, лойиҳалаштириш ва ундан фойдаланишда алоҳида намуна кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра ҳукумат орден ва медаллари, фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.**

- **«Толибон» ҳаракатининг йўлбошчилари генерал Дўстум томонидан 200 нафар толибларнинг қамоқдан озод этилганидан сўнг Шимолий Иттифоқ раҳбарлари билан учрашиб, музокаралар олиб боришга розилик билдирганлари шу пайтгача бунинг уддасидан чиқа олмаётган Халқаро ташкилотлар вакилларида қизиқиш уйғотмоқда.**

- **Чеченистон маъмурияти ўзининг хорижий шахсларни мажбуран рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги қарорини мамлакатда одам ўғирлаш кенг тус олганлиги билан изоҳламоқдалар.**

- **Ироқ ҳукумати БМТнинг ушбу мамлакатда қуролсизланишни назорат қилиш комиссияси икки аъзосининг мамлакатга киришини расман тақиқлагач, Буюк Британия бундан буён ҳам Ироқ БМТнинг қарорларини бажаришдан бош тортса, унга нисбатан ҳарбий чора кўрилиши мумкинлигини уқтирди.**

Obuna—98

НАВОИЙНИНГ ФИКРИ НОТЎҒРИМИ?

Бўлиб ўтган сўнгги сессиядаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи, сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» моҳияти, уларнинг Ўзбекистон тараққиётидаги аҳамияти беқиёслигини барча ҳис қила оляптими? Кимлар ҳис қила оляптию кимлар йўқ? Жавоб аниқ — огоҳлар ҳис қиляпти. Хабарсизлар эса ҳиссиздирлар. Йиғинларда қулоқларига чалинаётган янги Қонун ёки Дастурга одатий қоғозбозликдек қарайдилар. Чунки улар янги қонунни ўқишмаган, ўз-ўзидан уни чуқур таҳлил қилишмаган. Ахир буларнинг аксарияти ҳозирча фақат газеталарда чоп этилди. Қолаверса Қонун ҳаётга татбиқ этилар экан, жойларда олиб борилаётган илғор иш тажрибаларидан ҳам огоҳ бўлишлари керак эмасми? Обуна бўлмаганлар ўз-ўзидан огоҳсизлар қаторидан жой оладилар. Огоҳсизлик — танбаллик, бефарқлик, таъбир жоиз бўлса, боқимандалик кайфиятини туғдиради.

Навоий бобомизнинг:

Эрурсан шоҳ — агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен — шоҳсен сен,

деганларида катта маъно бор. Бироқ Навоий бобомизнинг шарафли номи билан аталадиган вилоятда бу фикрга «нотўғри» деганидек қаралмоқда. Республика матбуот тарқатиш марказидан олган маълумотимизга кўра, (25 октяргача бўлган маълумот) Навоий вилоятида нафақат «Маърифат» газетасига, балки педагогик нашрлар бўлмиш «Халқ таълими», «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими», «Соғлом авлод учун» журналларига ҳам умуман обуна бўлишмаган. «Учитель Узбекистана» газетасига эса бор-йўғи 3 нусхага ёзилишган. Ҳар бир мактабда уч нусхадан (кутубхона, ўқитувчилар хонаси ва қабулхонага) обуна бўлинг, булар ўқитувчиларингизга катта ёрдам беради, янгиликлардан бохабар этади, бу вилоят кўрсаткичини оширади, деб таклиф билдириш ҳам ноўриндек. «Қовун қовундан ранг олади». Катталар бу «касал»ни болаларга ҳам юқтиришмоқчи шекилли, ёхуд Навоий вилоятида «Тонг юлдузи» газетасини болалар билишмайдими, ҳар ҳолда обуначиси йўқ. «Солнышко»га битта, «Ғунча» ва «Гулхан»га тўрт нусхадан обуна бўлишибди.

ИБРАТ: Наманган вилояти ўқувчилари ўтган йили олимпиадада ғолиб чиқди. Унинг сабабларидан бири ўқувчиларнинг огоҳлиги экан. Айни пайтда Наманган вилоятида «Ғунча»га 2337 ўқувчи, «Гулхан»га 2205 нафар бола обуна бўлибди. Албатта ўқишга, билишга ошнолик яхши натижа беради-да.

Алқисса, Навоий вилояти Халқ таълими бошқармаси Навоий бобонинг огоҳлик ҳақидаги фикрларини нотўғри тушунишган кўринади. Жавобингизни кутамиз.

ОБУНА—98

Азиз тарбиячилар, муаллимлар, зиёлилар!

Таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами Сизни шунга яраша ахборотга эга бўлишингизни, таълимнинг кундалик юрак уришидан бохабар бўлишингизни тақозо этади.

Сизга бу борада кўмак беришни, янгиликлар билан қадам-бақадам одимлашингизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

«Маърифат» газетасига келаси — 1998 йил учун обуна бошланиб кетди.

Нашр индексимиз:
Якка обуначилар учун — 149.
Ташкилотлар учун — 150.

БИРИНЧИ ҚОР — ОГОҲЛАНТИРИШ 3-бет.

ЁШЛАР ҲУҚУҚИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўғрилик бировнинг игнасига хиёнат қилишдан бошлангани каби қонунбузарлик чорраҳани қизил чироқда кесиб ўтишдан бошланади. Бир марта қонунни бузган, яна ўша ҳолни такрорлайди. Илк бор ўзгаларнинг мулкига кўз олайтирган одам иккинчи бор бу ишни такрорлайди. Ҳамма кулфат ўша ўғриликни кўриб кўрмаганга олганимизда. Бир бандаи ожизни тўғри йўлга солиш учун жон койитмаганимизда.

Бизни қувонтирадиган хабар шундаки, мустақиликка эришганимиздан кейин ўсмирлар ўртасидаги жиноят ва қонунбузарлик 50 фоизга камайган. Дейлик, 1990 йилда ўсмирлар ўртасида 6 мингга яқин жавобгарлик иши кўрилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу ҳол тенг ярмига қисқарган. Бу бизнинг миллий қадриятларимизга қайтаётганимиздан, фарзандни етти маҳалла тарбиялайди, деган нақлга яна амал қила бошлаганимиздан.

3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Инсон ҳуқуқи Миллий маркази билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуман ўтказди. Мавзу: «Конституция ва ёшлар ҳуқуқи». Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов «Ўзбекистон Конституцияси ва ёшлар тўғрисидаги қонунчилик муаммолари» ҳақида маъруза қилди. Анжуманга талабалар ва ҳуқуқ илми мутахассислари таклиф этилган эди. Маърузачи ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ёшлар олдидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида аниқ фикрларни баён этди.

Tadbir

Қатнашчилар 4 гуруҳга бўлиниб амалий машғулотлар ўтказди. Уларда «Ёшларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантириш», «Конституциявий таълим ва маънавият», «Ёшларни Конституция ҳуқуқларига ўргатиш ва миллий тарбия муаммолари» мавзулари бўйича мунозаралар, баҳслар бўлди.

— Бундай тадбирларда, — дейди Нукус давлат университети журналистика факультети катта ўқитувчиси Давлатбой Бекбоулиев. — Талабаларга кўпроқ сўз бериш керак. Чунки биз қурмоқчи бўлаётган ҳуқуқий-демократик давлатнинг тақдири мана шу ёшларнинг қўлида.

Ният шулки, бу каби юзма-юз учрашувлар тез-тез ўтказилиб турилса. Талабаларимиз эса бундай тадбирларда янада актив қатнашсалар ҳамда ҳуқуқ илмининг сирларини пухта ўзлаштириб, адолатли ва фаровон жамият қуришда камарбаста бўлса.

РАҲМОН АЛИ.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган илмий-амалий анжуман бевосита «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусига бағишланди.

Анжуман университет ректори, ЎзРФА академиги Саидаҳрор Ғуломовнинг «Маънавий баркамол, юқори малакали кадрлар тайёрлаш — Ўзбекистон миллий таълим дастурининг бош вазифасидир» номли маърузаси билан бошланди.

Шунингдек, анжуманда университет фалсафа кафедрасининг мудири, профессор Йўлдош Жумабоев, профессор Исмоил Саифназаров, Халқаро иқтисодий тараққиёт кафедраси мудири, профессор Гулчеҳра Назарова, Олий бизнес мактаби директори, профессор Ҳикматулла Лутфуллаев, университет қошидаги гимназия директори, доцент Фаридон Усмонов, университет бизнес мактабининг директори, доцент Мила Эшонова ва бошқалар миллий таълим дастурига оид ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Суннатилла РИЗАЕВ.

СОҲИБКОР ПЕДАГОГ

Чироқчи туманидаги Чувуллоқ қишлоғида яшовчи аҳоли Қувон бобо Бобоқуловни нафақат устоз-муаллим, балки соҳибкор-деҳқон сифатида ҳам қадрлашади. Бунинг боиси бор, албатта. Қувон бобо қишлоқ ҳудудида жойлашган Иброҳим Қиличев номли 100-ўрта мактабда хўжалик меҳнаткашларининг фарзандларига қарийб қирқ йил самарали таълим ва тарбия берди. Отахон нафақа ёшига етиб, фахрийликка кузатилгач ҳам, уйда тинч ўтириш-ни ўзига эп кўрмади. Хўжалик раҳбариятига учрашиб, 1 гектар ерни ижарага олиб, турли ток қаламчаларини ўтказиб, уларни меҳр билан парваришлай бошлади. Албатта, бу 'тадбирлар ўз самарасини бермай қолмади. Устоз-педагог бу ерда мўл узум ҳосили етиштириб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилмоқда. Соҳибкор деҳқон айни шу кунларда бир ярим тонна сархил узум меваларини тайёрлов идораларига етказиб бериб, зиммасидаги режани ҳам ошириб уддалади.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ.

ФАХРИЙЛАР МАКТАБДА

Бойтемир ака Қўймуродов ҳозир 74 ёшда. 50 йилдан ортиқ ҳаётини мактабда ўтказган. Болаларга математика фанидан сабоқ берган. Оташ Холмирзаевнинг меҳнат стажи эса 35 йилдан ортиқ. У ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Иккала педагог ҳозир нафақада. Лекин улар ўзларининг ҳаётларини болаларсиз тасаввур қилиша олмайди. Шунинг учун тез-тез улар Чортоқ туманидаги 22 ва 31-ўрта мактабларга бориб туришади. Оташ Холмирзаев бу мактабларда жамоатчилик асосида «Ёш қаламкашлар» тўгарагини бошқаради. Б. Қўймуродов эса «Ёш математиклар» тўгараги машғулотларида иштирок этади. Ўзининг шогирдларига математика фанини ўқитиш тажрибаларидан айтиб, уларга қимматли маслаҳатлар беради. Ўқитувчи ва ўқувчилар уларнинг ташрифларидан ҳамиша мамнунлар.

Ўрмонжон МЎМИНОВ.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ 1997 ЙИЛ 29 АВГУСТДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Узбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонуний замини яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустаҳкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир.

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ушбу Миллий дастур қабул қилинмоқда.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир.

Кўрсатилган мақсадга эришишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш;

барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш;

аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланади: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; демократияга асосланганлик; ижтимоий адолат; илмийлик; узлуксизлик; ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик; ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги; ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув.

Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юксалишини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш;

юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш;

ҳуқуқий маданиятнинг илмий асосларини тадқиқ этишни рағбатлантириш, ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларни ташкил этиш;

миллий анъаналар ҳамда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, бир томондан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларнинг муайян даражасини эгаллаштириб олиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишни, иккинчи томондан – турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маорифни табақалаштиришни назарда тутади.

ФУҚАРО, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Узбекистон Республикасининг Конституцияси шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйган. «Инсон – давлат» муносабатларида устуворлик инсонга тегишли. Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари – инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгнинг ўзагидир. Ҳуқуқий онг даражаси – бу одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас. Бу, энг аввалло, қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир.

Мукаммал қонун ҳужжатлари ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим шарти, ҳуқуқий давлат қарор топишининг зарурий белгиси ҳисобланади. Мамлакатимиз қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга изчиллик билан мувофиқлаштириб бориш зарур. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши лозим. Бунда қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлиши керак. Ижро этувчи органлар қонун ости ҳужжатларини қонунларга қўшимча киритиш сифатида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш учунгина қабул қилишлари мумкин.

Демократик ислоҳотларни монанд ҳуқуқий таъминлашнинг энг муҳим шарти қонунчиликнинг изчил бўлишидир. Қонунлар ўзаро қатъий мувофиқлашиши, Конституцияга асосланиши, миллий ҳуқуқий тизимнинг ривожланишига кўмаклашиши лозим.

Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда қонунларнинг ҳаётга аниқ ва изчил татбиқ этилишига, уларга қатъий ҳамда оғишмай риоя қилинишига эришиш зарур. Ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс ва инсон қонунга бўйсуниш мажбуриятидан озод қилиниши мумкин эмас.

Давлат томонидан ҳамда жамоатчилик тузилмалари фаолиятини кучайтириш орқали қонунларни рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан бошқарув ҳамда назоратнинг янги самарали воситаларини шакллантириш зарур.

Қонунчиликда ички уйғунликнинг мавжудлиги, турли ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятнинг йўқлиги, қонунларга оғишмай риоя этилишини таъминловчи таъсирчан механизмлар яратилганлиги фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар кимда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш учун зарурдир.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни, биринчи навбатда, суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш Узбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий ишончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган шахс жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқи тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Аҳоли ҳуқуқий маданият даражасининг оширилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ходимларининг билимдонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданият даражаси жамоат бирлашмалари, жамғармалар, иттифоқлар, уюшмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кенг тармоғи мавжудлиги ҳамда бу демократик тузилмаларнинг муайян шахс ва жамиятнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги ижтимоий фаоллиги билан белгиланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Улар ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларидан янада самарали фойдаланишлари, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга катта ҳисса қўшишлари лозим.

Жамоат бирлашмалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига тегишлича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга, жамоатчилик юридик маслаҳатхоналари ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий масалалар, пенсия таъминоти, никоҳ-оила муносабатлари бўйича қонунлар тўпламларини нашр этишга, юридик маълумотномалар, шунингдек турли касбдаги ходимларга мўлжалланган илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётлар чиқаришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Ҳуқуқий тарбиянинг умумийлиги ва ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги принципини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳаллаларнинг роли беқиёсдир. Улар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий онгини оширишга бевосита ҳамда муттасил таъсир кўрсатишлари даркор.

Жамият ва давлат фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, турли жамоатчилик ҳаракатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг фаолият юритишига кўмаклашади.

Халқни ҳуқуқий маърифатли қилишда профессионал юристлар ва уларнинг бирлашмалари муносиб ўрин эгаллашлари лозим. Демократик жамият юқори малакали юристларга эҳтиёж сезади. Уларнинг касбий фазилатлари ва билимларидан фойдаланиш жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгига улкан ижобий таъсир кўрсатишга қодир. Узбекистон юристлар уюшмасининг ташкил этилиши ва унинг таркибига кирадиган юристларнинг турли касбий бирлашмалари (судьялар, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар иттифоқлари ва бошқалар) тузилиши ушбу Дастур вазифаларини рўёбга чиқаришда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, шунингдек, юристларнинг касбга доир манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутган бўлур эди. Аҳолини ҳуқуқий маърифатли қилиш ишига профессионал юристларнинг кучларини жалб қилиш юристлар уюшмасининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ҳуқуқий тарбияни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган жамғарманинг тузилиши жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ишига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий маданиятни оммага изчил тарқатишлари лозим. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикр ва ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи демократик институтлар бўлгани учун ҳам уларнинг бу борадаги фаолиятини кучайтириш заруриятга борган сари кўпроқ сезилмоқда.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлмиш ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади.

Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир.

Тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшликдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгуси ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур.

Ҳуқуқий ахборотдан барчанинг эркин фойдалана олишини таъминлаш, ҳар кимга ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун реал шароит яратиш фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини тегишли тарзда амалга ошириш, бурчларини бажариш, жамиятнинг сиёсий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этиш имконини беради.

Ҳуқуқий тарбиянинг тўмишдан қолган фақат бир томонлама ахборот бериш – маърифатчиликка йўналтирилганлигини бартараф этиб, уни қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифалари билан узвийроқ боғлаш зарур.

Шуни муттасил назарда тутиш керакки, ҳуқуқий тарбия инсонларни ҳуқуқ, қонунийлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маърифат, қонунга ҳамда ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш билан чекланиб қолмай, балки шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигида, унинг ҳуқуқий маданиятида ўзининг тугал ифодасини топади.

Аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълимини такомиллаштиришга таълим ва тарбиянинг ҳали фойдаланилмаган механизмларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш, тарбия ва таълимнинг янги шакллари ва воситаларини жорий этиш, моддий-техника негизини кучайтириш йўли билан эришилади.

Ҳуқуқий тарбия ва таълимни кучайтиришнинг асосий чоралари қуйидагилардан иборат:

давлат ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усуллари ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда такомиллаштириб боради, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг мўқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам беради;

аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш; ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш, кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни аниқлаш Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва юристлар жамоат бирлашмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолишига эришиш;

ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларининг ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга оширилиши;

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг уларни мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида олиб борилишини назарда тутувчи норматив ва ўқув-услубий мезонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда янги ўқув фанларини жорий қилиш;

ҳуқуқий фанлар асосларини чуқур ўргатадиган ўқув юртлари ва уларда тайёрланадиган юридик кадрларнинг сонини иқтисодий, ижтимоий, демографик вазият ва жамиятнинг тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини белгиловчи бошқа омиллар эътиборга олинган ҳолда аниқлаш;

дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар тайёрлаш ва нашр этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

таълим ва тарбия муассасаларига даҳлдор бўлмаган шахсларнинг (ишчилар, хизматчилар, уй бекалари, пенсионерлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқаларнинг) ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий таълими тизимини такомиллаштириш. Бу ишга давлат юридик ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий-тадқиқот институтлари, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқаларни жалб қилиш;

юридик ўқув юртларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш.

Мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш шароитларида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг янги воситалари ва усулларини жорий этиш лозим.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг восита ва усулларини такомиллаштириш мақсадида:

фуқаролар билан олиб бориладиган ҳуқуқий ишлар савиясини ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ва ўқув юртларининг кадрлар билан етарли таъминланишига эришиш;

мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига нисбатан алоҳида талаблар ишлаб чиқиш керак. Чунки улар қонунларни қатъий ижро этишга, ҳуқуқнинг сўзсиз амал қилишини таъминлашга, ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга даъват этилганлар.

Ҳуқуқий билимларни давлат идораларигина эмас, балки жамоат бирлашмалари томонидан ҳам оммалаштириш жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг янги шакллари жумласига киради.

Юридик ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқ соҳасида илмий муассасалари бўлмаган шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ҳуқуқий таълимни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳуқуқий билимларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш тизимини такомиллаштириш, барчага мўлжалланган юридик адабиётларни нашр этиш ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашади.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ

Қонун ҳужжатларини қўлланиш амалиёти шуни яққол кўрсатадики, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибатидир. Айнан шу сабабли, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизмидан, шу жумладан мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан камдан-кам фойдаланадилар.

Ҳуқуқни писанд қилмасликка барҳам бериш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олиш имкониятини амалда таъминлашни талаб қилади. Бу жиҳатдан қонунларни ва, айниқса, идоравий норматив ҳужжатларни ўз вақтида нашр этиш зарур. Адлия вазирлиги томонидан чиқарилаётган «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси»нинг тиражини кўпайтириш ва унга эркин обуна бўлишни таъминлаш лозим. Ҳуқуқнинг айрим тармоқлари бўйича, шунингдек аҳолининг муайян гуруҳларига мўлжалланган норматив ҳужжатларнинг мавзуий тўпламларини нашр этиш ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олишни таъминлашга катта ҳисса бўлур эди.

Замонавий ахборот таъминоти компьютер технологияларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг илмий асосланган ягона маълумотнома тизимини ишлаб чиқиш ва ундан муштарийларнинг бемалол фойдалана олишини таъминлаш зарур.

Кенг ўқувчилар доирасига ҳам, аҳолининг айрим гуруҳларига, шу жумладан мансабдор шахсларга ҳам мўлжалланган оммабоп маълумотнома адабиётларни нашр этишни анча кўпайтириш аҳолини ахборотлар билан таъминлашни яхшилаш ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим йўналишига айланмоғи лозим. Амалдаги қонун ҳужжатларини қўлланиш масалаларини тушунтириб берадиган ва давлат органлари ходимларига, шунингдек давлатга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг раҳбарларига мўлжалланган шарҳлар ва амалий қўлланмаларни нашр этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари катта аҳамиятга эга. Уларнинг ҳуқуқий мавзуларга эътиборини кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилаётган юридик масалаларни даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида тушунтириб бериш борасидаги ҳиссасини кескин ошириш зарур.

Давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳуқуқий билим асосларини албатта ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Турли тоифадаги ходимлар малакасини ошириш табақалаштирилган бўлмоғи лозим. Авваламбор, иноннинг касбий тайёргарлигини оширишга интилиш керак. Турли касбдагилар ўз фаолиятларида оқилона қўллай оладиган тарзда ҳуқуқий билимга эга бўлсинлар. Давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига қўйиладиган талаблар ва малака тавсифномалари, даставвал инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳуқуқий билимларнинг зарур даражасини назарда тутиши керак.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда фуқаролар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, адвокатлар ва ҳуқуқшунос олимларнинг учрашувларини ташкил этиш аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашади.

ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

Изчил, узлуксиз, ўзаро боғлиқ, замонавий талабларга жавоб берадиган юридик таълим тизимини яратиш жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг йўналишларидан биридир.

Таълимнинг барча босқичларини қамраб оладиган ўқув комплексларини ташкил этиш кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни такомиллаштиришнинг муҳим воситасидир.

Ҳозирда ва истиқболда қанча ва қандай ихтисосликлар бўйича ҳуқуқшунос мутахассислар керак деган масалани ҳал этмасдан туриб, юридик таълимнинг ислоҳотини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу муносабат билан олий ва ўрта махсус юридик маълумотли мутахассислар эгаллаши лозим бўлган лавозимлар рўйхатини белгилаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Бундай рўйхатни ишлаб чиқиш чоғида тегишли малакадаги юридик кадрларни тайёрлашга қаратилган тадбирлар тизимини ва уларни амалга оширишнинг мақбул муддатларини белгилаб қўйиш муҳим.

Илмий асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва юридик таълимнинг ихтисослашувини изчил амалга ошириш юридик кадрларни тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг зарур шартидир.

Юридик кадрлар тайёрлашни ихтисослаштириш, бир томондан, тегишли ўқув фанларини чуқур ўрганишни, иккинчи томондан, ҳуқуқшунослик ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлашни амалга ошираётган барча ўқув юртлари учун мажбурий бўлган таянч юридик фанлар рўйхатини белгилаб қўйишни назарда тутади. Ўқув режаларида ана шу мажбурий фанлар туркуми бўлмаса ёки қисқартирилган бўлса, тегишли ўқув юрти юридик кадрлар тайёрлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши керак.

Аҳолига ҳуқуқий таълим бериш ва ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил этиш сифатини ошириш, бўлғуси юристларда зарур кўникмаларни шакллантириш мақсадида юридик олий ўқув юртларининг ўқув режаларида ҳуқуқий маърифатнинг илмий асослари ва услубиётлари курси бўйича машғулотлар ўтказишни назарда тутиш шарт.

Юридик ўқув юртларига абитуриентлар қабул қилиш тизимини такомиллаштириш малакали юридик кадрлар тайёрлашни таъминлашнинг таркибий қисмига айланмоғи лозим. Юридик ўқув юртларига абитуриентлар танлаб олишда уларнинг таҳлил этиш, мантиқий фикрлаш, ностандарт вазиятларни танқидий баҳолай олиш, хулоса чиқариш, ўз нуқтаи назарини асослай олиш қобилиятларини, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маҳоратини аниқлаш зарур, шу мақсадда тест синовидан ўтказиш билан бир қаторда уларнинг тегишли қобилиятларини аниқлашга имкон берадиган ижодий имтиҳон топшириқларини назарда тутиш керак бўлади.

Юридик таълимни такомиллаштириш ўқув жараёнини ислоҳ қилишни, ўқитишнинг илғор воситалари ва усулларидан кенг фойдаланишни, таълимнинг амалиёт билан узвийлигини кучайтиришни талаб қилади. Зеро, юрист нафақат муайян билимлар мажмуига эга бўлиши, балки бу билимларни амалиётда қўллай олиши зарур.

Ўқув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмига, Узбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қарор топиши ва фуқаролар жамияти шаклланиши масалаларига, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларига жиддий эътибор қаратилиши керак.

Юридик ўқув юртини тамомлаш ва давлат имтиҳонларини топширишга битирувчининг тегишли таълим курсидан ўтганлиги ва муайян билим олганлигининг тасдиғи сифатида қарамоқ керак. Битирувчиларга ихтисослик бўйича ишлаш имконияти эса улар стажировкадан ўтганидан ва олинган билимларни иш жараёнида қўллай олишидан далолат берувчи малака имтиҳонини топширганидан кейингина берилади.

Илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш юридик таълимнинг замонавий юксак даражасини таъминлашнинг бирламчи жиҳати, энг муҳим шарти ҳисобланади. Илмий ва педагог кадрлар тайёрлашдаги номутаносиблик шунга олиб келдики, республикада ҳуқуқнинг қатор соҳалари (молия, меҳнат, халқаро ҳуқуқ, иж-тимоий таъминот ҳуқуқи ва бошқалар) бўйича илмий ва педагог ходимлар етишмаслиги жиддий сезилмоқда.

Тегишли мутахассислар тақчиллиги юридик кадрлар тайёрлашни, бинобарин, бир қатор амалий вазифаларни, шу жумладан бозор ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишни анчагина қийинлаштиради. Мутахассислар тақчиллиги сезилаётган ҳуқуқ соҳалари бўйича илмий ва педагог кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш зарур.

Ҳуқуқшуносларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш узлуксиз юридик таълим тизимининг мажбурий босқичига айланиши керак. Юридик таълим ва илмий тадқиқотларнинг амалиёт билан уйғунлигини кучайтириш мақсадида илмий ва педагог ходимлар ўз мутахассисликлари бўйича албатта судларда, прокуратура, ички ишлар органларида, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, шунингдек корхоналарда, адвокатлар бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларида стажировкадан ўтишини назарда тутиш керак.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тузилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва юридик муаммоларини тадқиқ этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлашга илмий изланишларнинг устувор йўналиши деб қаралмоғи лозим.

Шахс умумий ва ҳуқуқий маданиятининг ўзаро боғлиқлиги; ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий феъл-атвор; ижтимоий онгни шакллантиришда ҳуқуқнинг ўрни; ҳуқуқий тарбия ва аҳолининг ижтимоий фаоллиги; ҳуқуқий онгга таъсир этиш шакллари ва усуллари; ҳуқуқий онгнинг психологик жиҳатлари; ҳуқуқий онгдаги ижтимоий бузилиш ва салбий ўзгаришлар; аҳолининг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданияти каби долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилиши айниқса долзарбдир.

Ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш, умуман жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш учун суровлар ўтказиш ва ҳуқуқ, унинг ижтимоий қадри ҳамда тартибга солувчанлик вазифаси тўғрисида жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа усулларини қўлланиш зарур.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари манфаатдор ташкилотларнинг иштирокида ёшларни ҳуқуқий тарбиялашнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқишлари керак.

Узбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хорижий давлатлардаги ҳуқуқий маданиятни оширишга доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини нашр этиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, бу соҳада илмий ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш муҳимдир.

Илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумотномалар нашр этишни кўпайтириш аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларни кучайтириш, илмий билимларни оммалаштириш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоғи керак.

Bo'sag'ada qish

БИРИНЧИ ҚОР — ОГОҲЛАНТИРИШ

Ноябрнинг бошиданоқ ёққан қор эрта тонгданоқ қалбимизга оқлик, поклик бахш этиш баробарида ҳадемай қалбимиз қалқони бўлмиш танамизга қишнинг зирҳли совуқлари тегишинида эслатиб қўйди.

Вазирлар Маҳкамасининг республика халқ хўжалиги тармоқларини 1997—1998 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш масалалари бўйича комиссияси кенгайтирилган мажлиси ҳам шу арафада бўлиб ўтганлиги боис унда асосан тайёргарликнинг якуний босқичи кўриб чиқилди. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг бу жараённинг бориши тўғрисидаги ҳисоботлардан маълум бўлишича, қиш эшик қоқаётган бир даврда ҳам айрим жойларда бу борада камчиликлар борлиги аён бўлди. Уларни бартараф этиш учун оз эмас, кўп эмас — 10 кун муҳлат берилди.

Мазкур масала юзасидан Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар ва илм масканлари аҳволи қандай, айниқса қишнинг совуқ кунларида ўқувчилар иссиққина синфхоналарда билим олишига кафолат борми, каби саволларимизга халқ таълими вазири ўринбосари, «Халқ таълими муассасаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш бўйича» штаб бошлиғи Муртазо СУЛТОНОВ жавоб беради:

— «Кузнинг бир куни, қишнинг бир ойини боқади», деб халқимиз бежиз айтмаган. Негаки, бугунги бир озгина қилган ҳаракатимиз қишнинг чилласида қилинган минг ҳаракатдан юз чандон ортиқ. Шуни англаган ҳолда Халқ таълими вазирлигида ёзданоқ қиш мавсумига тайёргарлик бошлаб юборилган эди. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 5 июндаги «Республика халқ хўжалигини 1997 — 1998 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги қарорига асосан халқ таълими муассасаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Унда асосан утган қиш мавсумида аниқланган хато ва камчиликларни тугатиш ва барча таълим муассасаларининг иситиш тармоқлари ва бинолари аҳволини урганиб, жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш кузда тутилган эди.

Тайёргарлик ишлари билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштирувчи, уларнинг бажарилиши устидан назорат юритувчи доимий ҳаракатдаги штаблар билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз эвазига бу борада кўпгина ишларни қилишга улгурдик. Режада мўлжалланган 429 та иситиш қозонхоналарининг 94 фоизи, 176986 метр ички иситиш тармоқларининг 93 фоизи, 83327 метр ташқи иситиш тармоқларининг 88 фоизи, 20545 та иситиш печкаларининг 100 фоизи, 282544 кв.метр томларнинг 87 фоизи капитал таъмирдан чиқарилди. 230870 кв.метр ҳажмидаги синган ойналар янгиланди.

Бу каби ишларни жадаллаштириш мақсадида жойлардаги вазият урганиб чиқилиб, Халқ таълими вазирлиги томонидан 91 тонна турли буёқлар, 86 кв.метр дераза ойналари, 4,1 минг кв.метр линолеум, 24,5 минг дона шифер, 112 тонна пўлат қувурлар, 2710 дона чўян радиаторлар, 138 тонна учбурчакли металлар, 24 минг кв.метр рубероид, 182 куб.метр ДСП, 131 тонна металл, 69 тонна карбит етказиб берилди. Шу кунларда яна қўшимча тарзда 10 вагон (35 минг кв.метр) дераза ойналари вилоятларга юборилди. 18 минг дона шифер етказиб берилиши ҳам мўлжалланмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ишлар, албатта, бизнинг хотиржам бўлишимиз учун старли эмас. Бир қатор вилоятларда бу масаланинг жиддийлигига етарлича аҳамият берилмаяпти. Андижон вилоятида иситиш қозонларини таъмирлаш 66 фоиз, Бухоро вилоятида эса бу ишнинг 83 фоизи, синган ойналарни алмаштириш 80, томларни таъмирлаш 73 фоиз бажарилган, холос. Фарғона (64%) ва Навоий (54%) вилоятларида эса аҳвол янада ташвишланарли.

Бу борадаги бизни ўйлантираётган муаммолардан яна бири, бу таълим муассасаларини кўмир билан таъминлаш. Негаки, утган йилнинг шу кунигача бу иш 91 фоизга бажарилган бўлса, бу йил эса 55 фоизгагина чиқди, холос. Самарқанд, Қашқадарё, Наманган, Тошкент вилоятларига жўнатилиши лозим бўлган кўмир миқдорининг ярмидан ҳам оз миқдори етказилди. Унинг устига кўмир сифатига ҳам эътирозлар билдирилаяпти. Халқ таълими вазирлиги ва «Кўмир» АЖ ўртасида тузилган таълим муассасаларини кўмир билан таъминлаш буйича график акционерлик жамияти томонидан бажарилмаяпти.

Шунингдек, газ билан истиладиган таълим муассасаларида ҳам аҳвол бирмунча жиддий. Шу йилнинг бошида Халқ таълими вазирлиги иситиш тизимлари табиий газга мослаштирилган 870 та мактабни газ тармоқларига улашга рухсат сўраб ҳукуматга мурожаат қилган эди. «Узбекнефтьгаз» корпорацияси томонидан эса уларнинг 354 та кичик ҳажмдаги қозонлар ўрнатилганларигагина тармоққа уланишга рухсат берилди. Қолганларига эса иситиш қозонлари катта булганлиги боис рухсат берилмади. Ваҳоланки, бу таълим муассасаларини табиий газсиз иситишнинг ҳеч иложи йўқ. Бу борада айниқса Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида аҳвол жуда танг.

Юзага келган бу ҳолдан чиқишнинг йўлларини зудлик билан топиш зарур. Албатта, бунда маҳаллий ҳокимиятларнинг, мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг қўйилаётган масаланинг моҳиятини чуқур англаб етишлари лозим. Зеро, гап эрта-индин биз бошлаётган ишларнинг давомчилари бўлувчилар хусусида кетаяпти. Уларга бугун бахш этаётган илиқлигимиз бир кун келиб ўзимизга қайтади...

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуш моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида кузда тутилган мактаблардаги барча бошланғич синф ўқувчиларининг 15 фоизидан кўп бўлмаган кам таъминланган оилаларнинг болаларига қишқи кийим-бош тўплами билан текин таъмин этиш буйича ҳам барча ишлар амалга оширилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан керакли кийим-кечаклар олиниб, жойларга юборилди.

Qutlug' ostona

ИЗЛАНИШНИНГ ИЛК МЕВАСИ

Дастлабки самолётларнинг коструктори француз Сантос-Дюмон машхур француз адиби Жюль Верн ҳақида: «У мени қўлга киритиладиган ғалабага шубҳаланмаслик илмига ўргатди», деган бўлса, Шимолий ва Жанубий қутб устидан учиб ўтган адмирал Бэрд: «Жюль Верн мен учун йўлчи юлдуз бўлди», деб ёзганди. Д. И. Менделеев эса уни «фан даҳоси» деб атаган эди.

Хўш, улар нима учун француз адибига бунчалар меҳр қўйди? Бунинг сабабларидан бири Жюль Верн асарларида тасвирланган 108 кашфиётдан ҳозир қарийб 80 га яқини амалга ошгани бўлса керак.

Биз нима учун Жюль Верн ҳақида сўз юритдик. Чунки унинг деярли барча ҳаёлу ўй-орзулари ҳаётдан узоқ бўлмай, балки илмий жиҳатдан асосланган эди.

Бугунги кунда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 давлат қаторидан Ўзбекистон ҳам жой олди. Бундай қувонарли ишдан таъсирланган ўқувчи ёшлар ҳам ЎзАЗ 01 машина моделини яратишди. Бу мавжуд машиналардан кўриниши ва бажарадиган иши жиҳатидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам болалар ўз ихтироларини яхши ният билан Ўзбекистон Автомобиль заводининг биринчи маркаси деб аташяпти. Келажакка умид кўзи билан қараётган бу болакайлар ким дейсизми? Марҳамат танишинг: Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги Баҳодир Раҳматуллаев раҳбарлик қилаётган «Бошланғич техник модель» тўгараги аъзоларидир.

Моделда автомобиль ва тракторларни жойида хизмат кўрсатиш учун ҳамма шароитлар ва техник анжомлар мавжуд. Унинг орқа салонида чархлаш, пармалаш, чилангарлик станоклари ўрнатилган. Бу станоклар автомобиль дивигателидан харакат олади. Машинанинг орқа қисмига автомобиль, трактор ва комбайнларнинг дивигатели ва шунга ўхшаш оғир деталларни бир ердан иккинчи ерга олиш учун кўтарма кран ўрнатилган.

" Машина модели асосан ёғоч ва юпқа тунукадан тайёрланди, " дейди 7-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Илҳом Охунжонов. " Аввало унинг чизмасини чизиб, сўнг ундан шаблон тайёрладик. Тайёр шаблонни юпқа тунукага қоғоз клей билан клейлаб, қирқиш чизиқларини қайчи билан текислаб, чокларини ёпиштирдик. Орқани кўриш ойналарини, фара ва ўриндиқларни тунукадан тайёрладик. Моделга олти дона ғилдирак кетади. Ғилдиракларни тол ёғочидан ишладик. Унга 4,5 вольтли мотордан ўрнатдик.

Вилоят, туман ва шаҳарлардаги бундай тўгараклар ўқувчиларнинг илмий изланишларига яқиндан кўмак бериши табиий.

Ҳа-я, яна Жюль Верн ҳақида. У ўз ҳаёлига ишонди, ҳаётни диққат билан кузатиб, хаёллари ҳақиқатга айланди. Ўз навбатида ихтирочи болалар ўз моделларини Ўзбекистон Автомобиль заводининг биринчи маркаси дейишганида жажжи қалбларида келажакка ишонч жўш уриб турар эди. Болакайлар яратган машиналар дунё кезади. Зеро, уларнинг хаёллари ҳам ҳақиқатга айланса ажабмас.

Феруза ОДИЛОВА.

СУРАТДА: ўқувчилар устозлари Б. Раҳматуллаев бошчилигида моделни кўздан кечиришмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Ривожланаётган давлатлар ташкилоти ёки ўн беплик гуруҳи халқаро валюта бозорлари устидан назоратни кучайтиришга чақиргаплар. Ўттан ойлар валюта бозорларида кечган беқарорлик ушбу баёнотга туртки бўлган. Ўн бешта давлатни бирлаштирган гуруҳнинг Коалалумпурда кечаётган учрашувларида қабул қилинган бу баёнот халқаро валюта жамғармаси ва жаҳон банкини валюта бозорларини очиқроқ ва маълум чегаралардан холироқ қилишга чақирган. Аввалроқ Индонезия президенти Сухарто бу йиғилишда сўз олиб, валюта бозоридаги беқарорлик ривожланаётган давлатларнинг ютуқларига жиддий зарар етказганини айтганди. Малайзия бош вазири эса бу беқарорликда чайқовчиларни айблар экан, уларга империализмнинг янги ва хатарли кўринишлари дея таъриф берди.

* * *

Британия мудофаа вазири Жорж Робертсон бугун Россияга ташриф буюради. Жаноб Робертсон ва Россия мудофаа вазири Игорь Сергеев икки давлат қуролли кучлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларини муҳокама этадилар. Икки давлат денгиз флотининг келажакдаги ҳамкорлиги ҳам шунинг таркибидаги масаладир.

* * *

Қозоғистон кўп йиллик қарзни қоплаш учун Можористонни 900 млн.куб метр табиий газ билан таъминлашга рози бўлган. Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев бу ҳақда Можористон раҳбари Арпад Гёнс билан алматидаги учрашувидан кейин эълон қилган. Жаноб Назарбоев айтишича, ушбу қарзлар совет даврида қолган бўлиб, Тенгиз нефть конида фаолият кўрсатган можор ширкатларига тегишлидир.

* * *

Вашингтон атрофида Яқин Шарқ тинчлик музокараларининг янги давраси бошланиши арафасида экан. Фаластин раҳбари Ёсир Арофат музокараларда икки масалага ургу берилиши ҳақида айтган. Биринчиси, Исроил ҳарбийларининг ҳарбий соҳилдан чиқарилиши ҳақида Исроил ҳукуматининг ваъдаси, иккинчиси, яҳудийлар учун уй-жой қурилишининг тўхтатилишидир. Жаноб Арофатнинг айтишича, ана шу икки муаммо бартараф этилгач, музокаралар бошқа масалаларга, масалан, Фаластин аэропортини очиш каби масалалар муҳокамаси томон йўналтирилиши мумкин. Исроил ташқи ишлар вазири Гевед Лев фикрига кўра у бугун ўтадиган учрашувларда тараққиётга эришилишидан умид қилади. Музокараларда жаноб Леси, Фаластин воизларидан Маҳмуд Аббос ва АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтлар ҳозир бўлишади.

* * *

Россия фазо станциясидаги икки фазогир — Анатолий Саловёв ва Павел Виноградов шу йил бошида зангламоқ ҳодисасидан чиққан кема жиҳозларини таъмирлаш учун очиқ фазога чиққанлар. Фазогирлар кемадан ташқарида олти соат ўтказганлар. Улар қуёш батареяларини созлаганлар. Шу батареяларнинг ҳафта охирларида кўчирилиши кутилмоқда. Аввало фазогирларнинг кемадан ташқарида бўлишига рухсат этилмаганди. Бунга фазогирларнинг махсус кийимларидаги носозлик сабаб бўлганди. Аммо кейинроқ кислород кўрсаткичларини назардан қочирмаслик шарти билан ушбу амалиётга рухсат берилган.

«БИ-БИ-СИ» (ЛОНДОН).

ОНА — ҲАЁТ ЧАШМАСИ

Она! Бу сўз замирида қанчадан-қанча маъно ётади. Она — гўзаллик, тириклик, борлиқ, тимсоли. Унинг қалби эса оламдай кенг, қуёшдай ҳароратлидир. Она ҳақида ўйлаётганимизда биз беихтиёр гўдагига сийнасидан оби ҳаёт бераётган, бутун мусаффоликни, барча бегуборликни ўзида мужассамлаштирган ҳаёт сарбонимизни англаймиз. Онанинг бир қули бешикни, иккинчи қули эса дунёни тебратади, дейишади, онанинг ўз фарзандига курсатган меҳри беқиёсдир. Лекин фарзандлар ўз онаизорлари меҳрига тўла жавоб бера олаяптимикин? Мана шу саволга жавоб излаб ўйга толаман. Баъзи фарзандларнинг ўз оналарига қилган ёмонликлари, оналарини қариялар уйига элтиб ташлаётганлари даҳшатли ҳодисадир. Ойнаи жаҳонда «Пардали гап» телекўрсатувида берилган икки онаизорнинг ўз фарзандларидан еган дашномларини эшитиб беихтиёр кўзимга ёш келди. Ахир ҳадиси шарифларда ҳам «Аввал онангга, яна онангга, ва яна онангга, ундан кейин эса отангга яхшилик қил» деган ҳикматли сўз бор-ку? Бундай меҳридарёлики ҳар бир фарзанд ҳам бажара олмайди. Онамизга қанчалик яхшилик қилсак ҳам барибир улар олдида қарздор эканлигимизни наҳотки ҳис этмасак? Ахир мурғак вужудини авайлаб тўққиз ой кўтарган ва яна ундан кейинги азоблар-чи? Буларнинг барчасига она қалби бардош беради. Фарзанд бирор иш қилишдан олдин меҳрибон онажони олдидан бир ўтиб қўйса, она боши кўкка етади.

Она насиҳатларини қулоқ қа олмай, жеркиб ташлаган фарзанд ўз фарзандидан ҳам шундай жавоб эшитади. Она — муқаддас. Она ҳаёт чашмаси, ана шу чашмадан фарзандлар учун бутун олижаноблиқни, чанқоқликни қондирувчи лаззат бор. Шундай экан ҳеч қачон азиз волидаларимизни ранжитмайлик, беҳудага улар дилини оғритмайлик.

Дилноза БЕГИМҚУЛОВА, ТошДУ журналистика факультети 2-курс толибаси.

Маърифат туманининг Бешкент қўрғонида жойлашган Авлақул Саидов номли 52-мактабнинг 400 нафарга яқин ўқувчиларию 40 нафарга яқин муаллимларининг, қолаверса, барча ота-оналарнинг кайфиятлари чоғ. Яқинда мактаб жамоаси ҳамма қулайликларга эга бўлган янги мактаб биносига кўчиб ўтдилар.

МАЪНАВИЯТ САРОЙИ

Болаларимиз узлигини, ўтмиши-ю бугунини, жаҳоний қадриятларини, азалий анъаналарини чуқур билишса, унинг савобига ким етсин? Уларда ҳар томонлама билим, миллий мафкура, Ватанга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат, қалб гўзаллиги ҳамда кўнгил софлигини таркиб тоштирмоқ шу кунимизнинг энг долзарб ишидир. Худди шуларнинг ўзи маънавият эмасми? Бу борадаги олиб бораётган ишларимиз жамул-жам бўлиб, юксак маънавиятни келтириб чиқаради.

Авлақул Саидов номли мактаб жамоаси ҳам бу борада бири-биридан ибратли ишларни амалга ошираётганлигини кўриб хурсанд бўлдик.

Улар мактабларида ўқувчилар учун «Маънавият ва маърифат» саройини бунёд этдилар. Бу ишда ўқувчиларга устозлардан Мунаввар Эгамбердиева ва Моҳигул Ўриновалар бошқош бўлдилар. Қисқа вақт ичида биридан-бирига ўтиладиган тўгаш қўш хоналарда бинойидек сарой яратилди.

ЯНГИ МАКТАБДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Саройда ташкил этилган «Маънавиятимиз илдизлари», «Туркистон — умумий уйимиз», «Тўроннинг буюк саркардаси», «Президентимиз — фахримиз», «1997 йил — инсон манфаатлари йили», «Маънавиятимиз ҳақидаги китоблар» деб аталувчи бурчак ва деворий кўргазмалар ута ҳаётий яратилган. Ҳа, айтгандай ўқувчиларнинг «Маънавият ва маърифат» саройида «Оммавий ахборот воситалари нашри» бўлими ҳам ташкил этилди. Бу бўлим орқали ўқувчилар турли-туман кундалик газета-журналлар билан мунтазам танишиб бормоқдалар.

ОШХОНА ШУНДАЙ БЎЛСА-ДА!..

Айни кунда тумандаги қатор мактабларда ошхоналар ёпиб қўйилганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бунинг боисини мактаб ва туман халқ таълими булимининг раҳбарларидан сурасангиз, улар «Ҳа», замон шундай бўлиб қолди. Нархнаво қиммат. Болаларга эса арзон нархдаги таомлар керак. Мактаб ошхоналарини юритиш қийин бўлиб қолди...», деб узларининг иш юритишдаги ношудликларини хас-пўшлашга уринадилар.

Мактаб ошхонасини кузатамиз. Ҳамма жой тоза ва озода. Қиш чилласи бўлишига қарамасдан бу ерда тувакларгаги ям-яшил яшнаб турган гуллар баҳри-дилингизни очади.

Ошхонада бир йула 80 нафар ўқувчи овқатланиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Биз борганимизда ошпаз йигит Ихтиёржон Баҳринов мастава сузаётган экан. Нархи ва сифати билан қизиқдик. Бир коса гўштсиз тайёрланган мастава 3 сум 50 тийиндан сотилаяпти. Мазали, ширин. Таомда картошка, карам, шолғом, кади бор. Овқат бетига турли-туман кукатлар қўйиб сузиб берилаяпти...

«Ўқувчиларимиз уйларидан нон олиб келишга одатланишган, — дейди мактаб директори Комил Полвонов. — Болаларимиз тушда 3 сум 50 тийинга бир коса овқат олади. Ҳа, бунга бир боланинг қорни тўяди...»

Ошхонада пешма-пеш тайёрланиб сотилаётган турли кўринишдаги бўғирсоқлар ҳам, ширин чой ҳам жуда-жуда арзон.

Бизнингча, худди шундай ошхоналарни ҳамма мактабларда ҳам йулга қўйиш мумкин. Сал дагалроқ бўлса ҳам бир гапни айтиш керакки, бунинг учун ошпаз акалару опалар «борига шукр қилмоқ»лари керак.

Абдували ОБИДДИНОВ, «Маърифат»нинг ўз мухбири.

Maktab sahnasi uchun

Миразиз АЪЗАМ

БУХОРИЙ ДАРСИ

ЎЙИН — ПИЕСА

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

ЎҚИТУВЧИ: — Хуш, менга айтинглар-чи, ҳадис нима?

САИД: — Мен айтаман. «Ҳадис» арабчада «янги» деган маънони билдиради. Жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳар бир айтган гаплари ҳар қачон ҳам янги гапдай эшитилгани учун уларни ҳадис деймиз. Лекин бутун тарих давомида «ҳадис» сузининг маъноси кенгайиб борган. Эндиликда «ҳадис» сўзи пайғамбаримизнинг амрлари , хатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари, ахлоқлари, ҳислат ва ҳолатлари, умуман ҳаёт йўллари маъноларини ҳам қамраб олган. «Ҳадис» урнида «суннат» ҳам ишлатилади. Ҳадисдан баҳс этувчи илм ҳам «ҳадис» дейилади. «Муҳаддис» эса «ҳадисчи» деганидир; ҳадисларни тўпловчи, тартибга солувчи, таҳлил ва текширув йули билан бу сўз чиндан ҳам пайғамбаримизга оидми, йўқми, шунга аниқлик киритувчи, ҳадисларни тўпловчи деган маънода ишлатилади.

ЎҚИТУВЧИ: — Энди яна бир савол: Пайғамбаримиз ҳақида ким қисқача маълумот бера олади?

I-ЎҚУВЧИ: — Биз пайғамбаримиз ҳаётини ҳали урганмадик, домла... Бундай топшириқ берганингиз йўқ бизга...

ЎҚИТУВЧИ: — Тўғри... Мен баҳо қўйиш учун сурамадим... Ким нима билишига қизиқяпман, холос. Ҳаким! Балки сен айтарсан?

ҲАКИМ: — Йўқ, домла. Мен фақат Бухорийнинг «Ҳадис» китобларини ўқидим. Унда бундай маълумот йўқ. Фақат бошқа тарих китобларимиздан Пайғамбаримиз милодий 570 йили туғилиб, 632 йили вафот этганларини биламан, холос. Бухорийнинг «Ҳадис» китобида пайғамбаримизга нечук ваҳий кела бошлагани ҳақида кенг бир маълумот бор. Мансур бу ҳадисни ёдлаб олган. Ҳўп, десангиз ўқиб берсин.

МАНСУР (ёдлан ўқийди): — «Ойша онамиз нақл қилардилар: Ҳазрат Пайғамбаримизга илк ваҳий уйқуда тиниқ тушлар кўриш билан бошланди. Шундайки, кўрган бутун тушлари тонг шафаги ёришиши билан бир аниқлик касб этарди. Шундан сўнг, Расулуллоҳ ёлғизликни хушлайдиган бўлиб қолдилар. Оилаларини тарк этиб, ёлғиз узлари Ҳиро тоғидаги ғорда қаторасига бир неча кун тоат-ибодат қилиб чиқар эрдилар. Шу боисдан ҳам узлари бирлан егулик олиб чиқиб кетар эрдилар. Егуликлари тугагач, хотинлари Ҳадичанинг ҳузурига келиб, яна таом олиб тоққа қайтар эрдилар. Охири бир куни Ҳиро тоғида ибодат қилиб ултирганларида Ҳақ амри келди. Шундайки, бир фаришта келиб: «Ўқи!» деди. «Ўқишни билмайман, дедим, man!», дедилар. Ҳадича разиялло ҳу анҳор: «Ундай деманг. Худо ҳаққи, Оллоҳ сизни хафа қилмагай; чунки сиз хотин-бола-чақага яхши қарадингиз; ожизларнинг юкини енгил қиласиз, меҳмонларни иззат-икром қиласиз. Ҳақ йўлида тўсқинликларни енгиб ўтишда ҳаммага ёрдам берасиз», деб жавоб бердилар. Сўнг, Ҳадича онамиз Жаноб Расулуллоҳни амакиваччалари Варақа ибн Навфал ҳузурига олиб бордилар. Варақа ибн Навфал Жоҳилия даврида насроний динида эди. Ибронийча саводи бор, Инжилдан Оллоҳнинг айтганларини ёза оларди. Кўзлари кўрмайдиган кекса бир киши эди. Ҳадича онамиз Варақага: «Эй, мулла ога! — деди. — Бўлангизнинг гапларига қулоқ солинг. Қаранг, нима деяпман!», дедилар. Ҳадича разиялло ҳу анҳор: «Ундай деманг. Худо ҳаққи, Оллоҳ сизни хафа қилмагай; чунки сиз хотин-бола-чақага яхши қарадингиз; ожизларнинг юкини енгил қиласиз, меҳмонларни иззат-икром қиласиз. Ҳақ йўлида тўсқинликларни енгиб ўтишда ҳаммага ёрдам берасиз», деб жавоб бердилар. Сўнг, Ҳадича онамиз Жаноб Расулуллоҳни амакиваччалари Варақа ибн Навфал ҳузурига олиб бордилар. Варақа ибн Навфал Жоҳилия даврида насроний динида эди. Ибронийча саводи бор, Инжилдан Оллоҳнинг айтганларини ёза оларди. Кўзлари кўрмайдиган кекса бир киши эди. Ҳадича онамиз Варақага: «Эй, мулла ога! — деди. — Бўлангизнинг гапларига қулоқ солинг. Қаранг, нима деяпдомла. Бухорий ҳақда бир оғиз сўз айтай...

2-БОЛА: — Ҳеч қўймайди-я шу Мансур. Гапирмай турса ёрилиб ўлади...

ЎҚИТУВЧИ: — Қани, айтчи, нима демоқчисан?

МАНСУР: — Менинг дадам шарқшунос олим, кўп юртларга бориб келган. Америкага, Францияга, Венгрияга... Дадам айтадиларки, чет эллада кўпчилик одамлар: «Узбекистон» деса, «Бу қайси юрт» деб ҳайрон бўлишаркан. Аммо «Бухороданман» деса, шу ондаёқ таъзим қилиб, қўлини упиб: «Хуш келибсиз», деб, тўрга утказишаркан. «Бухоро», «Самарқанд», «Хоразм»ни билмаганлар йўқ экан. Улар бизнинг мамлакатимизни «Туркистон» дейишаркан. Бухорони жаҳонга танитдилар: Ҳазрат Пайғамбаримизга илк ваҳий уйқуда тиниқ тушлар кўриш билан бошланди. Шундайки, кўрган бутун тушлари тонг шафаги ёришиши билан бир аниқлик касб этарди. Шундан сўнг, Расулуллоҳ ёлғизликни хушлайдиган бўлиб қолдилар. Оилаларини тарк этиб, ёлғиз узлари Ҳиро тоғидаги ғорда қаторасига бир неча кун тоат-ибодат қилиб чиқар эрдилар. Шу боисдан ҳам узлари бирлан егулик олиб чиқиб кетар эрдилар. Егуликлари тугагач, хотинлари Ҳадичанинг ҳузурига келиб, яна таом олиб тоққа қайтар эрдилар. Охири бир куни Ҳиро тоғида ибодат қилиб ултирганларида Ҳақ амри келди. Шундайки, бир фаришта келиб: «Ўқи!» деди. «Ўқишни билмайман, дедим, дедилар Расулуллоҳ... — Шу пайт фаришта мени буға бошлади, хириллаб қолдим. Кейин қўйиб юборди-да, яна: «Ўқи!» деди. Мен яна: «Ўқишни билмайман», дедим. Фаришта мени иккинчи марта хириллаб қолгунича бўғди. Сўнг яна қўйиб юбориб: «Ўқи!» деди. Мен яна: «Ўқишни билмайман», дедим. Ул учинчи марта мени хириллаб қолгунимча бўғди. Кейин қўйиб юбориб: «Раббингнинг номи била ўқи! Раббинг инсонни лахта қондан яратган! Ўқи! Раббингнинг саховати бениҳоя! У инсонга қалам билан ёзишни ўргатган. У инсонга билмаган ҳамма нарсасини ўргатган!», деди.

Шунда Ҳазрат Пайғамбар бу оятлар сабабли қўрқувдан юраклари титраб уйга қайтдилар. Ҳадичанинг ҳузурига келиб: «Мени ураб қўйинг! Мени ураб қўйинг!» дедилар. Жаноб Расулуллоҳни қўрқувлари тарқагунча ураб қўйдилар. Сўнг, Ҳадичага бўлган воқеани айтиб бердилар-да: «Ўзимдан хавотирдатилар!» Варақа: «Нима гап, э бола, нима кўрдинг, айт!», деди. Жаноб Расулуллоҳ кўрганларини бир-бир айтиб бердилар. Шунда Варақа: «Бу курганинг Оллоҳ Таоло, Мусо алайҳиссаломга индирган Номуси Акбар (яъни яширин сирлар ташувчи энг буюк фаришта Жаброил)нинг ўзи-ку! Эҳ, қани энди халқни ислом динига даъват қиладиган кунларингда ёш бўлсаму ёнингда бўлсам... Қавминг сени юртингдан ҳайдаб чиқазган вақтда ҳаёт бўлсам», деб айтди. Расулуллоҳ: «Мени қавмим ҳайдамайдими?», дедилар. Варақа: «Ҳа, зеро, сенинг каби Оллоҳдан ваҳий келтирган ҳеч бир кимса йўққи, душманликка учрамаган бўлса. Агар даъват кунларинпта етишсам, сенга кучим етганча ёрдам бераман», деб жавоб берди. Лекин кўп ўтмай Варақа вафот этди. Ваҳий бир мунча вақт келмай қўйди...».

ЎҚИТУВЧИ: — Раҳмат, Мансур, ўтир. Энди, болалар, имом Бухорийга ўтайлик...

МАНСУР: — Ижозат этинг, ганлар Бухорий, Ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар, «Бухоро тарихи»ни ёзган Наршахий каби тарихчилардир.

ЎҚИТУВЧИ: — Тўғри айтдинг, Мансур. Бухорий ҳақдаги сузни унинг ватани Бухородан бошлаш керак. Қани, Бухоро ҳақда сен гапир-чи, Саид.

САИД: — Бухоро ҳозир Узбекистон Республикасининг бир вилоятидир. Сирдарё ва Амударё оралигидаги Зарафшон водийсида жойлашган. Бухоро ҳақидаги энг эски маълумотни Мансур айтган Наршахийнинг китобидан олиш мумкин. Наршахий 899 йили туғилиб, 960 йили вафот этган, яъни 60-61 йил умр кўрган. «Бухоро тарихи» китобини 943-944-йилларда ёзиб тугатган. Наршахий ўз китобида Бухоронинг ўтмиши билан боғлиқ кўплаб тарихий далил ва рақамларни келтириш баробарида, унинг табиати ва географияси хусусида ҳам маълумотлар берган. Ерлари жуда эски пайтлардан сув каналлари орқали суғорилган. Деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик юксалган обод бир минтақа бўлган. Шимоли-шарқдан Самарқандга катта йўл билан боғланган. Жанубда Термиз — Балх йўли бўлган. Шимоли-ғарбдан Хоразмга, жануби-ғарбдан Марв орқали Нишопурга борилган. Шунинг учун ҳам Наршахий Бухорони «Тижоратчилар шаҳри», деб улуғлайди. Бухорода «занданийчи» деган бир турли буз мато ишлаб чиқарилган. «Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрида бундай газмолни тўқий олмас эдилар. Занданийчадан кийим киймаган бирор подшоҳ, амир, раис ёки амалдор бўлмаган. Унинг қизил, оқ ва яшил ранглиси бўлар эди», деб ёзади Наршахий. Бухорода яна палослар, дарпардалар, юмшоқ кийимликлар, ёстиқ жилдлари, жигарранг жойнамозлар тикилган ва тўқилган. Мис қандиллар, от анжомлари, чарви ёғи, илик ёғи, қуй териси, махсус қоғозлар ишлаб чиқарилган, жаҳонда тенги йўқ ширин-шакар қовунлари машҳур бўлган.

ЎҚИТУВЧИ: — Қадимда қандай халқлар яшаган Бухорода?

САИД: — Бухоронинг аҳолиси Туркистондан кўчиб келган турклар эди. Бизнинг отаболаримиз Кайхусрав истилоси пайтларида бир мунча форслар ҳам кўчиб келган. Паҳлавон аждодимиз Алп Эр Тунга замонида форслар билан қиз олди-бердилар ҳам ортган. Юртимизга Ибн Қутайба бошчилигида араблар бостириб кирганидан кейин араблар ҳам маҳаллий халқ таркибига қўшилган. Қадимий турк маданиятига яна икки катта маданият ҳам қоришиб, Бухорода жаҳоншумул маданият юзага келди.

ҲАКИМ: — Домла... бир савол берсам майлими?

ЎҚИТУВЧИ: — Марҳамат.

ҲАКИМ: — «Ҳадис» жилдларини ўқиганимда, Бухорий ҳамма вақт менга бутун буй-басти, қон-жони билан турк бўлиб кўринди. Аммо баъзи тарихчилар Бухорийни форсийлардан, деб ёзишибди. Аждоди Бардизбоҳга бориб тақалади. «Бордиз» форсча сўз. Шунинг учун у турк бўлиши мумкин эмас, деб ёзишибди. Ҳолбуки, биз ҳозир ҳам турли миллатлар билан аралашиб яшаймиз, бир-биримиздан исм-шарифларни ўзлаштираверамиз. Бу билан миллатимиз ўзгариб қолмайди-ку!..

ЎҚИТУВЧИ: — Тўғри айтасан... Бухорийни форс дегувчи олимларнинг далиллари кучли эмас. Аммо гап шундами? Энг муҳими шуки, у Бухорийдир, яъни бухороликдир. Бухоро ҳавосидан нафас олган, ерини ишлаган, экинини эккан-бичган, сувини ичган. Бухоро олимларидан таълим олган. Турк маданияти бағрида ўзини таниган. Бизнинг отаболаримизга хос ўзига ишонч, амалий зако, азм, яратувчанлик, матонат, фидокорлик, жасорат, иш интизоми сингари хислатларга эга бўлган. Ва бизга барча миллатлар, барча инсонларнинг мулки бўлган илм ва юксак маънавият намуналарини мерос қилиб қолдирган. Турк дунёсининг номини дунёга ёйган. Ҳазрати Пайғамбарнинг юзларча сифати ёнида «арабий» деган сифат аллақандай ножоиз кўрингани каби, Бухорий номи ёнида ҳам «туркий» ё «форсий» сифатини ишлатиш ҳеч ўринли бўлмайди. Биз учун Бухорий башариятга турк дунёси берган буюк олим сифатида қадрлироқдир.

Қўнғироқ. Парда.

(Давоми бор).

Давоми. Боши газетанинг 83-сонида.

Dil izhori

ТАЛАБАГА ЎГИТЛАР

Муаллим бўлишни дилига туккан йигит-қизларнинг орзулари ушалди. Улар талаба бўлишди. Бунга эришгунча бўлган синовлар, ҳаяжонлар...

Хўш, энди нима қилиш керак?

Фақат ўқиб-ўрганишми? Ёки бошқа жиҳатлар ҳам борми?

Газетамизнинг доимий муаллифларидан бири, куюнчак педагог, донишманд инсон Ҳикматулла Абдуллаев ўз фикрларини қоғозга тўкиб, таҳририятимизга келтирди.

Эсланг, мактабда ўқиб юрганингизда ўқитувчи, дўхтир, муҳандис, учувчи, агроном, журналист бўлишга даъвогар эдингиз. Мана, энди орзуларингиз чечак ёзмоқда.

Олий ўқув юртига киришингизга, талаба бўлишингизга сабабчи бўлган ота-онангизни, дўст-ёрларингизни доимо ёдда сақланг! Сиз энди ўзингиз орзу қилган ўқув масканининг вақтинчалик аъзоси бўлдингиз! Энди ҳаётингизнинг маълум муддати шу даргоҳда кечади. Энди бу йилларга жонингизни фидо айланг! Унинг қадр-қиймати ва салмоғини сақланг! Бундай онлар қайтиб келмасдир.

Маълумки, инсон ўзи учун бахтни ўзи яратади. Бахтли бўлиш учун билимларни пухта эгаллаш, турмуш сабоқларини ўрганиш, ота-боболаримиздан қолган табаррук қадриятларни билиш, амал қилиш, миллий ғурур, инсонпарварлик, ўз Ватани ва халқини севишни асосий вазифа деб билмоқ зарур.

«Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил»деганларидек, яхши билан ёмонни ажрата олиш қобилиятига эгамисиз? Яхшилардан ибрат олинг, ёмонлардан қочинг!

Ҳаётда ақлли, билимли, маънавияти юксак талаба ҳамма вақт муваффақият қозонади. У ғоявий-сиёсий жиҳатдан билимдон, инсоний хусусиятларга эга бўлса, ўз мақсадларига эришади, обрў қозонади, кишилар орасида, ўз устозлари олдида иззату ҳурматда яшайди.

Талабалик ёшликнинг энг ғўзал давридир. Бу ғўзалликни доғ тушишдан асрамоқ керак! Бу даврда йигитлар муҳаббат ошёнига қиялайдилар, яъни бир кўришда севиб қоладилар. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳолат узоққа бормайди. Қизғин ҳислар аста-секин сўниб боради, охирида ёшлар бир-биридан тез совийдилар. Камдан кам талабаларгина оила қуриб, бахтли жуфт бўлишади.

Талаба ўқув юртига битта мақсад — ўқиш учун келган. Тўғри, ҳар бир одамнинг севги-муҳаббат бобида ўзига хос қарашлари бўлади. Лекин унинг ўз вақти ва ўрни бор. Ҳар ким ўз тақдирини ўзи белгилайди. Ёшлик бебошликларга, чигал тақдирларга бошламасин!

Азиз ўғил-қизларим, сизнинг ақлий меҳнат фаолиятингиз бошланди. Илму фанни, табиат ва жамият тараққиётининг қонуниятларини, ҳақиқий озод ва демократик тузум бунёд этаётган мустақил Ўзбекистон халқи тарихи, ижтимоий ҳаёти, иқтисоди, маданияти ва маънавияти асосларини пухта эгаллаш сизнинг асосий вазифангиздир. Инсонга Оллоҳ таоло томонидан берилган бебаҳо умр фаслининг энг ғўзал онлари талабалик йиллари билан боғлиқ. Ҳар дақиқангиз қиммати, интилишлар ана шу сонияларга мазмун бағишласин! Сиз ҳозир ўрганувчисиз, эртага эса ўргатувчи буласиз! Талабалик даврида ижодий ишларни бошлашга ҳаракат қилинг. Мақолалар ёзишдан эринманг, рефератлар тайёрлашга юзаки ёндашманг! Ҳеч бўлмаганда эсдалик дафтари ёзишга одатланинг! Ўқув юртининг курсларини қандай битирганингиз ҳақида хулосалар қайд этиб қўйинг! Бу келажак авлодингиз учун намуна бўлади.

«Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунни пухта ўрганинг, ҳуқуқий тарбия ҳақида пухта билимга эга бўлинг! Фаолиятингизни ақл билан бошланг. Ақл Оллоҳ таоло томонидан берилган улуғ инъом. Ҳар бир инсон ўз ақлу камолини дунёвий билимларга яқинлаштиришга интилади. Дунёда шундай ақлли одамлар борки, уларнинг яратган кашфиётлари, илм-фандаги янгиликлари инсонлар учун бахт келтирди. Донишмандлардан, уларнинг ўгитларидан ибрат олинг!

Юриш-туришингиз, чеҳрангиз, қалбингиз, кийинишингиз ҳам оддий, озода ва ғўзал бўлсин, юзингиздан нур ёғилиб турсин.Яшаш жойингизни озода ва тартибли сақланг, очиқ ерлар бўлса кўкаламзорлаштиришга ўз ҳиссангизни қўшинг! Эрта туришга одатланинг, иложи бўлса бомдод намозини ўқинг, насибангиз улуғ, руҳингиз тетик, жисмоний соғлом бўласиз.

Ўқув анжомларингизни олиб, дарс бошланмасдан 10-15 дақиқа олдинроқ аудиторияга киринг! Маърузаларни диққат билан тингланг, муҳим жойларини ёзиб олинг, баён қилинаётган ҳар бир фикрнинг маъносини чақиб, уни ҳаётда қўллаш, татбиқ этиш сирларини англаб олинг. Ҳар бир ўрганилаётган фан ёки мавзуни мустақил эгаллашга ҳаракат қилинг! Кутубхонага тез-тез кириб туринг! Вазифаларни пухта тайёрланг, мутолаа қилинг, таҳлил этинг, хулосалар чиқаринг, хотирангизга жо қилинг! Ана шунда ҳар бир мавзу хотирангизда узоқ сақланиб қолади.

Тақводор бўлинг, бу Оллоҳдан қўрқиш, ёмон ишлардан сақланишдир.

Ҳамиятли бўлинг, бу ор-номусни пок сақлаш туйғусидир. Шарм-ҳаёли бўлинг, яъни ўз мавқеингизни сақланг, оила ва аждодлар шаънига доғ туширманг!

Миллий ғурур сизни ҳеч қачон тарк этмасин! Ота-она қобил фарзандидан, устоз истеъдодли шогирдидан, ёзувчи яхши асаридан, боғбон сўлим боғидан фахрланади. Сиз ўзингиз бажарган энг яхши ишлардан камтарлик билан ғурурланинг! Узингизга ортиқча бино қўйманг, гердайиш, кеккайиш, димоғдорлик такаббурликка киради. Ўз ҳурматингизни тиласангиз, талабаларни, ўз ўртоқларингизни, ёнатрофдагиларни ҳурмат қилинг. Бўлар-бўлмасга жаҳлингиз чиқмасин, қизиқманг, жиззаки бўлманг. Жаҳл — умр эгови. Шунингдек, кишиларни ноўрин танқид қилишга одатланманг, бир ёки икки кишини жамоа орасида танқид қилиш билан ҳеч ким муваффақият қозонган эмас, самимий маслаҳат берувчи бўлинг.

Чекиш, спиртли ичимликларни ичишдан ўзингизни сақлаганингиз яхши, санитария-гигиена қоидаларига амал қилинг, соғлигингизни асранг. Бадиий асар ўқиб туринг, радио, телевидение, матбуот ахборотларидан бохабар юринг! Инсонпарвар бўлинг. Одамларнинг бўйбасти, қўриниши, жуссаси, туси, кўз қарашлари, юриш-туриши, овози, ички-ташқи дунёси у таваллуд топган, униб-ўсган жойга монанд бўлади. Ким бўлишидан қатъи назар, кишиларни ҳурматланг. Жамоатчилик орасида, йўлларда, маданий ҳордиқ чиқариш жойларида талабалик одобини сақланг. Одамларнинг Сизга ҳаваси келсин!

Сизда ҳам талабалик ҳаётида учрайдиган энг яхши қоидалар ҳақида фикрларингиз, ўзингизга хос хулқ-атворингиз бор, юқоридаги ўгитларни қўшимча қилиб, мукаммал ҳолда бажарасиз деган умиддаман.

Ҳикматилла АБДУЛЛАЕВ,
Низомий номидаги ТДПИ педагогик маҳорат кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 13-миллий ҳунармандчилик лицейи ташкил топганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан мазкур билим даргоҳи жамоаси кўп ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Айни пайтда лицейда 350 дан зиёд ёшлар халқ ҳунармандчилигининг 8 тури бўйича сабоқ олмоқдалар. Уларнинг қунт билан пухта ҳунар ўрганишлари учун ўқитувчи-устозлари бор билим ва маҳоратларини намоён этишмоқда.

СУРАТДА: лицей ҳаётидан намоён этган.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Ko'ngil bitiklari

ОДОБЛИЛАР СУҲБАТИ

Одоблилар суҳбати устун гуллар ҳидидан,
Яхшиликлар яралар одоблининг дидидан.

Одобсизнинг сўзлари айнитади кўнгилни,
Аччиқлиги қолишмас хўл ўтиннинг дудидан.

Ақллилар керакли гапни гапирар доим,
Ақлсизлар гап бошлар ғийбат, ғиди-бидидан.

Одобли бўлмоқ учун, Тўра ёндош донога,
Яна ўрган, Форобий, Навоий, Беҳбудийдан.

ЎХШАТАДИ

Доно киши ақлни амирга ўхшатади.
Дидни ва фаросатни вазирга ўхшатади.

Яхшиларнинг кўнглини қиёслайди баҳорга,
Ёмонларнинг юрагин кўмирга ўхшатади.

Баъзи домуллаларга совға берсанг баҳо «5»
Имтиҳони қаттиқни ғалвирга ўхшатади.

Ҳақиқатни ёзмаган шарманда бўлар, Тўра,
Ҳақиқатни ёзганни Бобурга ўхшатади.

Тўра ЖУМАН.

Sport

ҲАМЮРТИМИЗ ШАРАФИ

Украинанинг Ровно шаҳрида 64 катакли шашка бўйича VI жаҳон биринчилиги ниҳоясига етди.

Биринчилик Америка, Осиё, Оврупо, Болтиқбўйи, Кавказорти давлатларининг 28 та энг кучли шашкачиларини тўплади.

Марказий Осиё ҳудудидан фақаттина бир киши — самарқандлик собиқ жаҳон чемпиони Маркиэл Фозилов ушбу нуфузли анжуманда иштирок этди.

Кучли саккизлик таркибига тушиш асосий вазифа эди, лекин шу билан биргаликда финалистларга биринчи босқич мусобақасида энг кўп очко тўплаш ҳам зарур эди. Сабаби медаллар учун курашда дастлабки ўйинлар ҳам ҳисобга олинарди.

Биринчи босқич мусобақасида самарқандлик гроссмейстер М. Фозилов учинчи ўринни эгаллаб, кучли саккизликлар даврасида олтин медаль учун курашни давом эттирди. Кучли саккизликда М. Фозиловдан ташқари молдовалик Ион Доска, украиналик гроссмейстер И. Макаренков, эстониялик А. Уутма, Россия чемпиони О. Дашков ва МДҲ давлатларидан кучли шашкачилар иштирок этишди.

Мусобақанинг якунловчи финал даврасида ёш ва истеъдодли белоруссиялик шашкачи Андрей Валюк ҳамма рақибларни ортда қолдириб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бирданига беш спортсмен янги жаҳон чемпионидан кейин бир хил очколар жамғариб, маррага етиб келишди, булар жумласидан ҳамюртимиз М. Фозилов ҳам бор эди.

Маркиэл Фозилов яхши ўйин кўрсатиб иккинчи ўринни қўлга киритди, унга халқаро шашка уюшмасининг кумуш медалини тақдим этишди.

Бронза медалига эстониялик Арно Уутма сазовор бўлди. Кейинги ўринларни бира тўла учта украиналик шашкачилар эгаллаб, гроссмейстр унвони нормативини бажаришди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Андрей Валюк москвалик Александр Шварцман билан 1998 йили жаҳон чемпиони унвони учун матч ҳуқуқини қўлга киритди. А. Шварцман 1987 йилдан бери тўрт карра жаҳон чемпиони. Агарда А. Шварцман А. Валюк билан матч ўйнашдан бош тортса (А. Шварцман ҳозирги вақтда 100 катакли шашкага ўтиб кетган), унда 1998 йили жаҳон чемпионлиги учун матч ҳуқуқи ҳамюртимиз М. Фозиловга ўтади.

М. Фозилов ҳозирги пайтда Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси қошидаги шоҳмот ва шашка спорт мактабида раҳбарлик вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози.

Sport

ТУРКИЯ МЕДАЛЛАРИ ЎЗИМИЗДА

Туркия пойтахти Истанбул шаҳрида эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида йирик халқаро мусобақа ўтказилди. Унда ўзбекистонликлар ҳам муносиб қатнашиб иккита олтин, учта кумуш ва яна иккита бронза медалини қўлга киритишди.

ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР ЮТУҒИ

Терма командамиз бу гал Эронда ўтказилган яна бир нуфузли баҳслашув ғолиби бўлишди. Мусобақанинг барча совринлари ўзбекистон спортчиларига тақдим қилинди. Жами 930 километрлик масофа бўйлаб йўналишда фарғоналик велосипедчи Энвар Сейтметов энг юқори натижа кўрсатиб олтин медаль олди.

РОССИЯ ДОЛЛАРЛАРИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

1998 йил Россия ҳукумати яна «Кремль кубоги» халқаро теннис мусобақасини ўтказишни режалаштирмоқда. Ҳозирча «Кремль кубоги»нинг обрўси ўртамиёна бўлгани билан мукофот миқдори анча баланд. Келгуси йил у 1 миллион 150 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланиши кўзда тутилмоқда.

АРАБЛАР ТАСЛИМ БЎЛДИ

Футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатининг Осиё «Б» саралаш гуруҳида яна икки учрашув ўтказилди. Ўзбекистон терма командаси БААнинг меҳмони бўлиб дурангга эришди — 0:0. Корея, Япония учрашувида эса 0:2 натижа қайд қилинди. Шундай қилиб аоаблар ҳам йўлланмадан қуруқ қолди.

УМИДВОР ЛОБАНОВСКИЙ

Европада ҳам навбатдаги саралаш ўйинлари шиддат билан давом этмоқда. Курашаётган саккиз мамлакатдан тўрттаси Франция йўлланмаси билан таъминланиши шарт. Бу борада Венгрия — Югославия — 1:7, Хорватия — Украина - 2:0, Россия — Италия — 1:1. Украина мураббийси В. Лобановский хорватларни йирик ҳисобда енгишни режалаштирмоқда.

Maydonchasi

ПЕДАГОГ — ЖУРНАЛИСТ

Йирик жуналист ва тажрибали педагог Абдуазим Шаропов билан бирга бундан 38 йил муқаддам «Ўқитувчилар газетаси» (ҳозирги «Маърифат» газетаси)да иш бошлаган эдим. Ушанда бу газетада бош муҳаррир бўлиб ишлаган Ҳамидулла ака Қўрикбоев ўз жамоасига аъзо бўлганлигим билан табриклаб, Абдуазим ва Жаъфарқориларни чақириб тошириқ берганди: «Бу укамиз Ҳайдарали буладилар. Сиз иккингиз унга Мураббий буласизлар, билмаганини ўргатасизлар, узини ҳам қалами анча қайралган деб қўшимча қилиб қўйди.

Шу-шу бўлди-ю, мана шу икки аллома мураббийлигида журналистиканинг энг ноёб ва оғир соҳаси бўлмиш педагогик — журналистикага қадам қўйдим. Менинг бу борадаги устозим ва йўлбошчим шу икки катта таниқли журналист-педагоглар бўлганлар.

Ҳа, Абдуазим Шаропов ҳақида ихчам таъриф бердим. Бу катта мураббийнинг мактаб ва олий ўқув юртлари, қолаверса журналистлик ибратли фаолияти, давомидаги хизматлари беҳисоб эди.

Абдуазим ака 1939 йилда Тошкент давлат Педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини имтиёзли тугатди. У форс тили бўйича атоқли олим ва шоир Фитратдан таълим олган бўлса, умумий тилшунослик ва немис тилидан профессор Ғози Олимдан сабоқ ўрганди. Атоқли олим Ҳоди Зариф фольклордан, йирик шоир Мақсуд Шайхзода мумтоз адабиётдан, таниқли тилшунос Турсун Иброҳимдан ҳамда Фахри Камолдан тил илмидан таълим олди.

Уни ўша йили Қўқон педагогика институтига адабиёт муаллими қилиб ишга юборишди. Орадан кўп ўтмай уруш бошланиб, эндигина олий ўқув юртини тугаттан 22 ёшли мутахассис жанга отланди. Уруш ҳам тугагач, техникум ва мактабларда она тили ва адабиётдан дарс бериб юрди. Абдуазим аканинг чуқур билими ва шоирлик маҳорати ўша даврларда матбуотларда эълон қилган мақолаларини ўқиб, атоқли шоир ва йирик ёзувчимиз Ойбек домланинг унга меҳри уйғонди. У кишининг маслаҳатлари билан Абдуазим Шаропов Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига аспирантурага ўқишга кирди. Ойбек домла у кишига илмий раҳбарлик қилдилар...

Аспирантура ҳам «Ўзбек ҳарбий прозасида жангчи образи» мавзусида поёнига етди. Ҳимоя муваффақиятли бўлди. Қатор илмий ва услубий мақолалар матбуотда эълон қилиниб, ўзбек адабиётининг ўша даврдаги муаммолари ечими ўз йўлида, мавзу доирасида тадқиқ этилди.

1951 йилда «Ўқитувчилар газетаси»га тил ва адабиёт бўлимига бошлиқ бўлиб ишга келган Абдуазим ака, бу ерда 1964 йилгача, яъни 13 йил ҳалол меҳнат қилди. 1964 йилнинг январидан эътиборан Тошкент Чет тиллар, ҳозирги Жаҳон тиллари университетига ўзбек адабиёти фанидан ўқитувчи сифатида ишга ўтди. Бу ерда қарийб 35 йил йирик олим — доцент сифатида фаолият кўрсатди: ўзбек адабиётининг долзарб муаммолари ечимига доир элликдан ортиқ мақолалар эълон қилди, рисолалар чиқарди. Унинг қаламига мансуб бўлган «Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти» (1965), «Улуғ Ватан уруши даври адабиётида ватанпарвар жангчи образи» (1967), «Қуёш қораймас» романида жангчи-ватанпарвар образи» (1968) сингари мақолалари ҳамда «Қаҳрамонлик даври повестлари» (1971) сингари рисолалари олим-педагогнинг муътабар номини янада машҳур этди.

Гапнинг қисқаси, ўзбек педагогикаси, адабиётшунослиги ва журналистикасида ярашиғлиқ из қолдирган йирик олим ва мураббий Абдуазим Шаропов шу кунларда ўзининг 80 ёшини қаршиламоқда. Муаллимлик ва журналистлик касбида 60 йил ишлаб қўйган устозимизга сиҳатлик тилаймиз.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Тошкент Кимё технологияси институтининг кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

Obuna-98

«G'UNCHA» — KICHKINTOYLAR JURNALI

«G'uncha» jurnali mustaqil O'zbekistonimizning ertangi kuni, kelajagi bo'lgan bolajonlarning quvnoq hayotini, ularninq quvonch-tashvishlarini o'z sahifalarida aks ettirib kelmoqda.

«G'uncha» — bolalar yuragiga Vatan tuyg'usini singdirishga, ona zaminga mehr-muhabbat uyg'otishga, mustaqil fikr yuritishga undaydi.

O'zbekistonimizning dunyoga yuz ochayotgani, dadil qadamlar bilan kelajak sari borayotgani, xalqimizning erishgan katta yutuqlari jurnal sahifalarida keng aksini topmoqda.

Bolalar matbuoti, shuningdek, «G'nsha» jurnali ham Davlat tassarufiga olingan. Jurnalning bu yil 12 ta soni to'liq nashr etiladi. Uning hajmi ham ortdi, bezakli muqovalarda, sifatli qog'ozlarda bosilmoqda.

Yangi yildan boshlab esa, «G'uncha» jurnali to'laligicha alifboda chop etiladi. «G'uncha» — respublikada bolalar uchun lotin yizuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosida chiqadigan yagona jurnaldir. Bu albatta, boshlang'ich sinf o'qituvchi va o'quvchilari uchun katta ko'mak beradi, degan umiddamiz.

Davr bolalarimizning ishbilarmon va bilimdon bo'lishlarini taqozo etmoqda. «G'unchaoyning ro'zg'or daftari», «Bozor va bolalar» ruknida beriladigan materiallar iqtisod saboqlariga oid bo'ladi.

Kompyuter va test mashg'ulotlari ham bolajonlarimizning bilimlariga bilim qo'shadi.

«G'uncha» — yosh ijodkorlar, yosh rassomlar uchun o'ziga xos ijod maktabidir. Ularning ijod namunalari jurnal sahifalarida muntazam aks etib boradi.

O'zbek bolalar adabiyotini, ayniqsa, oqsayotgan kichkintoylar adabiyotini rivojlantirish, ularni bolalarga etkazib berish ham jurnalning muhim vazifalaridan biridir.

«G'uncha» bog'cha bolalari uchun ham mo'ljallangan. «Bog'cha bog'i», «G'uncha sahnasi», «O'zing yasa» kabi sahifalar, suratli hikoyalar, o'yinlar kichkintoylarga atalgan.

«G'uncha» bogcha uchun qo'llanma sifatida zarur va muhimdir.

Shu kunlarda respublikamizda gazeta va jirnallarga obuna davom etmoqda. Maktab va bog'chalardan «G'uncha» jirnalyga obuna bo'lishayotgani haqida tahririyatga xabarlar kelib turibdi.

Hozir bolalarga kitoblar taqchil paytida, «G'uncha» osh-nonday zarurdir.

«G'uncha»ga obuna davom etmoqda. Indeks: 818.

Raif TOLIB,
«G'uncha» jurnalining mas'ul kotibi.

Xullas...

ЖУРНАЛИЯТ — КОСМОНАВТ

«Спейс ньюс» журналининг яқиндагина тарқатган шов-шувли хабарини CNN телекомпанияси вакили Дэвид Тэлли тасдиқлади. Гап мазкур телекомпания ўз мухбирини Россиянинг «Мир»космик станциясига жўнатиш ҳақида кетганди. Дэвиднинг айтишича, ҳозирда музокаралар бошланғич нуқтада турибди. Унинг японлардан эшитишича бу тадбир (неча кун турилишига қараб) 5—15 миллион долларга тушиши мумкин экан. Чунки 1990 йилда космосга чиққан биринчи журналист номини олган Яониянинг TBS телерадиотармоғи корпорацияси янгиликлар бўлими муҳаррири Т. Акихманинг «Мир»даги 8 кунлик ижара ҳақи учун корпорация 12 миллион доллар тўлаган эди.

ИНГЛИЗЛАРНИ ҲАЙРАТЛАНТИРГАН ГРУЗИН БОЛА

Ҳақиқий санъатнинг қадрига етадиган инглизлар ўн бир ёшли грузин рассоми Бесо Казмашвиллини Салвадор Далига қиёслашмоқда. Шу йилнинг апрелида Англияда бўлган унинг асарлари кўргазмасида Бесонинг 15 та манзарали ҳамда 25 та график ишларини инглиз ихлосмандлари сотиб олишди. Унинг чизган суратларига Япония, Италия, АҚШ, Австрия каби мамлакатларда қизиқиш катта. Ҳаттоки Британиянинг «Медитер Эарлаинз» авиакомпанияси ҳужайини лорд Хоскет ўз самолётларидан бирини Бесонинг суратлари билан безаб авиалайнер бортига катта қилиб «Уста Бесо» деб ёзиб ҳам қўйган. Шунча шуҳрат қозонган ўн бир ёшли грузин боласини ўз ватанида тушунадиган одам биргина — собиқ ҳоким Поти Роман Мелик эканлиги эса таажжубланарли.

ТЎПЎЙНАР НИКОЛАЙ

Украинанинг Харьков вилоятида яшовчи Николай Куценко иккинчи бор Геннеснинг рекордлар китобида қайд этилди. Бу сафар ҳам тўп билан. Ўтган йили у тўпни боши билан 7 соат 19 минуту 26 секунд тинмасдан ўйнатиб, унгача бу борада устаси фаранг ҳисобланган кореялик Хур Нам Чжинни доғда қолдирган эди. Яқинда эса Николай тўпни оёқда ўйнатиш бўйича ҳам устомон эканлигини исботлади. У 15,6 километр масофани 20 минг марта тўпни оёғида ўйнатиб босиб ўтди. 3 соату 45 минут ўзи билан ўзи футбол ўйнаган Николай ғолиб сифатида яна бир бор Геннесга тушди.

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Зубайда УСМОНОВА,
Абдураҳмон ЖУРАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0749. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6